

Ҳиндистонлик хаттот Қуръони карим учун 70 кг олтин сарфлади



08:26 / 04.01.2019 3250

Қатарда истиқомат қилаётган асли ҳиндистонлик бўлмиш хаттот етти йилда Қуръони каримни қўлда кўчириб ёзиб чиқишга муваффақ бўлди ва уни безаш учун 18 карат олтин ишлатди, деб хабар беради Қатарнинг маҳаллий Ал-Рая газетаси.

Авваллари турли мавзуларда хаттотлик қилиб келган Муҳаммад Султон шайх Қуръони каримга бўлган муҳаббати боис асосий эътиборини диний мавзудаги санъатга қаратди. Унинг айтишича, Қуръони каримни ўз ҳисобидан чиройли шаклда ёзиб чиқишни ният қилган. Каломуллоҳни ёзиш ва дизайн ишларини бажаришда компьютердан мутлақо фойдаланмаган. Барча ёзув ва рақамлаш ишларини қўлда бажарган. «Кейин олтиндан ясалган мунчоқ доначаларини жойлаштириб чиқдим», дейди хаттот. У Қуръони карим учун Америкадан 18x24 ва 22x30 ҳажмидаги махсус қоғозлар келтирган. Ҳар бир жузнинг оғирлиги 25 кг.га тенг бўлиб, умумий оғирлиги 750 кг.ни ташкил этади.

Islom.uz портали таҳририяти